

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Узбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамаси аппарати

Хўжалик фаолияти бошқармаси бошлиғи

Ё.Ж. Максудов

“ 22 ” 04 2022 йил

**Узбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган
деворий лавҳ (стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари
юзасидан энг яхши таклифларни танлаш бўйича
харид қилиш хужжатлари**

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

I-бўлим. Иштирокчиларга кўрсатма.

II-бўлим. Танлашнинг таклиф шакллари.

III-бўлим. Етказиб бериладиган товар (иш, хизмат) ларга техник талаблар.

IV-бўлим. Тижорат қисми.

V-бўлим. Шартнома лойиҳаси.

I-БЎЛИМ. ИШТИРОКЧИЛАРГА КЎРСАТМА.

A. Умумий маълумот

Танлаш предмети

Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлаш комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларини баҳолаш гурухининг вазифалари

Танлаш иштирокчисига танлашда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш доирасида хужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

B. Танлаш хужжатлари

Танлаш хужжатларининг таркиби

Танлаш хужжатларига аниқлик киритиш

Танлаш хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

C. Танлаш хужжатларини тайёрланиши

Танлашда қатнашиш харажатлари

Танлашда қўлланиладиган тил

Танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлаш таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

D. Танлашнинг электрон таклифларининг топширилиши ва очилиши

Танлашнинг электрон таклифларини белгилаш

Танлашнинг электрон таклифларини топширишнинг охирги муддати

Танлашнинг электрон таклифларининг очилиши

E. Танлаш таъсирларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби

Танлаш таъсирларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

F. Шартномани расмийлаштириш

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР.

1. Танлаш предмети.

1.1. Танлаш комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сон Қонуни ва Адлия вазирлигидан 2018 йил 26 майда руйхатдан ўтказилган 3016-сон “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом талабларига асосан амалга оширади.

Танлашни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари қўйидагилар:

Танлашни ўтказиш очик турда бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган деворий лавҳ (стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари хариди юзасидан хизматларни бажарувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлаш ўтказишни кўзда тутилган.

Хизматларнинг максимал нархи:жами 28 000 000,0 сўм.

Танлашга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиги билан (агар “етказиб берувчи” ККС тўловчиси ҳисобланса).

Танлаш хужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талаблар бажарилиши лозим.

Молиялаштириш манбай ва валютаси: Вазирлар Маҳкамаси аппарати бюджет маблағлари ҳисобидан.

Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида.

Тўлов шартлари: шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз микдорида (бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларда) олдиндан тўлов амалга оширилади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

2. Мазкур танлаш хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган деворий лавҳ (стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари хариди юзасидан етказиб берувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Танлаш (кейинги ўринларда – Танлаш) ўтказишдан мақсад –мазкур танлаш хужжатларининг талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлаш ўтказиш тартиби – бир босқичли.

Буюртмачи – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати.

Манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Мустақиллик майдони 5 уй

Танлашни ташкил этиш ва ўтказиш учун мъясул шахс – танлаш комиссияси котиби Хусайнов Хасан Баратович. Тел (71) 239-81-00. почта адреси: Xusainov.X@gov.uz

3. Танлаш комиссиясининг вазифалари:

- танлаш ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;
- белгиланган тартибда танлашни ўтказади;
- танлаш талабгорларига тааллуқли барча хужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- танлаш бўйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;
- таклифлар билдирилган электрон таклифларни etender.uzex.uz сайти орқали очади, уларнинг танлаш хужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

– талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишида нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка ҳамда қонун хужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

– зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

– ғолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш бўйича таклиф беради.

Танлашнинг ташкилотчиси – Ишчи гурух. Унинг вазифасига қуидагилар киради:

– танлаш хужжатлари ишлаб чиқилишини таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

– танлаш ўтказилиши тўғрисида республика товар хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz порталида эълон беради;

– танлаш таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни баҳолашда танлаш комиссиясининг вазифалари:

– танлашнинг техник таклифларини ўрганади, таҳлил қиласида ва кўриб чиқади;

– энг яхши ва сифатли техник таклифни аниқлайди;

– иштирокчиларнинг танлашга тақдим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қиласида ва кўриб чиқади;

– энг яхши танлаш таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қиласида.

Танлаш иштирокчиси - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлаш талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага эга бўлган ташкилотлар.

Танлаш иштирокчиси:

–тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

–фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;

–тақдим этилган таклифни тақдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. Танлаш иштирокчисига танлашда иштирок этиш учун қўйиладиган малака талаблари

Танлаш таклифларини тайёрлайди ва танлаш комиссиясига тақдим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тақдим этади (танлаш комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлаш иштирокчиларини малакали танлаши Танлаш комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлаш иштирокчилари қуидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:

– корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидаги маълумотнома;

– талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– талабгорнинг тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлаш талабларини амалга ошириш хуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидағи мажбуриятлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;
- хизмат кўрсатувчи банк томонидан талабгорниң ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорниң СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлаш эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танлашдан ўтган иштирокчи Танлаш комиссиясига (*муҳрланган*) ва муҳрланган электрон таклифни йўлланма хат билан тақдим қилган бўлишлари керак. Электрон таклифда талабгор номи, манзили ва Танлаш комиссияси манзили, номи ҳамда иштирок этаётган лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуидаги хужжатлар бўлиши лозим:

- танлаш иштирокчисининг ташкилий шакли (1-шакл);
- танлаш иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);
- танлаш иштирокчисининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);
- танлаш иштирокчисининг молиявий ахволи (4-шакл);
- товарни (иш, хизматни) харид қилиш учун моддий ресурсларниң мавжудлиги (5-шакл);
- таклиф қилинаётган товарни (иш, хизматни) тури бўйича аввал фаолият юритган ёки фаолият юритаётган давлат юқори турувчи (ёки шартноманинг умумий суммаси 50 млн.сўмдан ортиқ) ташкилотлари билан тузилган шартномалар ҳақида маълумот (6-шакл);
- 2021 йил молиявий ҳисобот (ҳисобхона баланси ва молиявий натижалари) нусхаси;
- товарни (иш, хизматни) техник тавсиф жадвали (7-шакл);
- товарни (иш, хизматни) етказиб бериш жадвали асли (8-шакл);
- танлаш таклифи асли (9-шакл);
- товар (иш, хизмат) учун таклиф қилинаётган нарх асли (10-шакл);

5.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплади.

5.4. Танлашда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

Танлаш ғолиби – таклифларни баҳолаш якунлари бўйича танлашда энг кўп балл тўплаган танлаш иштирокчisi.

Захирадаги иштирокчи – танлаш ғолибидан кейинги ўринда турган қўп балл тўплаган танлаш иштирокчи.

5.5. Танлашга қуидаги танлаш иштирокчилари қўйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техниковий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;
- шартнома тузиш учун қонуний хуқуқقا эга бўлмаган;
- тутатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- фаолияти суд ёки ҳакамлик судида мухокамада кўриб чиқилаётган;
- давлат реестрида рўйхатга олинганинг ягона рўйхатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларниң ягона рўйхатида бўлган;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар олдида қарздорлиги мавжуд бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган худудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган;
- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;
- тегишли тижорат ва молиявий кўрсаткичлар бўйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Буюртмачи қўйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб таомилларида иштирок этишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ, иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиши ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаши;

- иштирокчи қонунга хилоф равишаадолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

6. Танлаш доирасида ҳужжатларнинг маҳфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлаш комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот маҳфий ҳисобланади ҳамда танлаш тартиб-қоидасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлаш комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Б. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

7. Танлаш ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлаш иштирокчиси унга берилган танлаш ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлаш ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлаш ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

8. Танлаш ҳужжатларига аниқлик киритиши

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Иштирокчи танлаш ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлаш комиссиясига ёзма равишаада мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлаш комиссияси талабгорнинг сўровига кўра танлаш таклифларини тақдим этишнинг сўнгги муддатидан камида 3 кун олдин сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашнинг барча иштирокчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлаш ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

9. Танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин Танлаш комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлаш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга хақлидир.

В. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

10. Танлашда иштирок этиш харажатлари

10.1. Танлашда иштирок этиш ва танлаш хужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар иштирокчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлаш таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлаш таклифи нархи миллий валюта - **сўмда** тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча ҳаражатлар, яъни солик ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Иштирокчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини охирига етказилмагунга қадар ўзгартирилмайди (Танлаш комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориши натижасида ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартириладиган нархларни кўзда тутувчи танлаш таклифлари исталган босқичда, танлаш талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилиши рад этилади.

11. Танлашда қўлланиладиган тил

11.1. Иштирокчилар томонидан берилаётган таклифлар, буюртмачи ва иштирокчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар **ўзбек тилида** тайёрланади.

12. Танлаш таклифини ташкил қилувчи хужжатлар

12.1. Танлаш таклифлари муҳрланган электрон шаклда бўлиши лозим. Танлаш комиссияси номини ва манзили кўрсатилган электрон таклифда **5.2-бандда** келтирилган хужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Электрон таклифнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғланиш учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлаш номи ва лоти кўрсатилади.

Электрон таклифда – маҳсулотни (иш, хизматни) етказиб бериш жадвали, танлаш таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлаш комиссияси лозим бўлганда Танлаш иштирокчиларидан тақдим этилган танлаш таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

13.1. Иштирокчи танлаш таклифини қатъий равишда мазкур танлаш хужжатининг II-бўлимидағи шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлаш таклифи шаклларидағи барча бўш графалар танлаш хужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Иштирокчи таклиф этилаётган товар (иш, хизмат) учун нарх таклифини танлаш таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

14. Муқобил таклифлари

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган товар (иш, хизмат) кўринишида берилган танлаш таклифлари кўриб чиқилмайди.

15. Танлаш таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш

15.1. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчи танлаш хужжатларини имзолаш ваколати бор бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун иштирокчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлаш иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир вараги имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув қаторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлаш иштирокчисининг имзоланмаган электрон таклифлари кўриб чиқилмайди ва Танлаш комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИНГ ТОПШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ

16. Танлаш таклифларини муҳрлаш ва электрон таклифларни белгилаш

16.1. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифларини мазкур танлаш хужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Иштирокчининг танлаш таклифи, танлаш очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (теграмма) кўринишида расмийлаштирилади.

17. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати

17.1. Иштирокчиларнинг танлаш таклифлари etender.uzex.uz электрон савдо платформасида эълон берилган кундан бошлаб **5 календарь** кундан кечикмасдан танлаш комиссиясига топширилади (**шанба, якшанба дам олиш куни этиб белгиланади**).

17.2. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлаш таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун қолгунга қадар танлаш иштирокчиси ўз таклифларини қайтариб олиши ёки таклифга ўзгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлаш иштирокчиси томонидан танлаш хужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаслиги ёки мазкур танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

18. Танлаш таклифларининг очилиши

18.1. Танлаш таклифлари беришининг белгиланган муддати тамом бўлгач белгиланган кундан 5 кундан кўп бўлмаган муддатда танлаш комиссияси танлаш таклифлари берилган электрон таклифларни очади.

18.2. Электрон таклиф очилгандан кейин танлаш иштирокчилари танлаш комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлаш хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Танлаш комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан etender.uzex.uz сайтида электрон расмийлаштирилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танлашга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

Д. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

19. Танлаш таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

19.1. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлаш комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлаш таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлаш таклифларини баҳолаш вақтида Танлаш комиссияси танлаш иштирокчисидан унинг танлаш таклифлари борасида тушунтиришлар беришини сўраши мумкин.

19.2.2. Иштирокчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шартлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлаш таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлаш таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиги тўловчилари томонидан солик суммаси киритиб ҳисоб қилинади

19.3. Баҳолар 1-2 ва 3-жадвалларга асосланган ҳолдаги 4-жадвал умумлаштирувчи, яъни 100 баллик шкала бўйича қўйилади.

19.4. Танлаш таклифларини уларнинг техник амалга ошувланилигига нисбатан баҳолаш Танлаш таклифларини техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш мезонларга асосан амалга оширилади (1-жадвал).

19.5. 1, 2, 3, 4, 6, 7-шакллардан ёки 5.2 бандда кўрсатилган хужжатлардан бирортаси мавжуд бўлмаса электрон таклиф очилмасдан қайтарилади.

19.6. Танлаш хужжатининг 5-шакли мавжуд бўлмаса, баҳоси нолга тенг деб топилади.

19.7. Танлаш қатнашчиларининг таклифларини молиявий баҳолаш, тижорат таклифларни баҳолаш мезони асосида аниқланади (3-жадвал).

19.8. Танлаш таклифларини қараб чиқиш муддати 5 кундан ошмайди.

19.9. Энг кўп балл тўплаган иштирокчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.10. Танлаш хужжатларининг 8, 9 ва 10-шакллардан бири мавжуд бўлмаса, таклиф баҳоланмайди.

19.11. Якун чиқариш ва танлашнинг ғолиби тўғрисидаги қарор Танлаш комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлаш комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хulosасига асосланилади. Қарор танлаш комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Танлаш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

19.12. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлаш таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш хукуқини ўзида олиб қолади.

19.13. Танлаш комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган иштирокчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

19.14. Танлаш комиссиясининг якуний баённомасида ғолиб ва заҳираидаги қатнашчилар, танлаш комиссияси хulosаси, қатнашчиларнинг танлаш таклифлари йиғма жадвали ва ғолиб билан шартнома имзолашнинг мўлжалланаётган муддатлари тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлади.

Баённома йиғилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлаш комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.15. Танлаш ташкилотчиси танлов ғолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини Республика товар-хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz маҳсус порталида эълон қиласи.

20. Таклифларнинг мос келмаслиги

20.1. Танлаш ҳужжатларини текшириш чөфида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлаш комиссияси:

иштирокчига танлаш таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиласидиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қиласи.

20.2. Агарда иштирокчи хатоларни тўғрилашдан бош тортса, унинг танлаш таклифи танлаш комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танлашда иштирок этиш учун қатнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлаш қуидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

- тегишли лот бўйича танлаш таклифларини тақдим этишининг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;
- барча танлаш таклифлари танлаш ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;
- барча танлаш таклифларида танлаш ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;
- барча қатнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич қийматидан анча юқори бўлса.

**Қатнашчининг техник ва ташкилий молиявий таклифини
баҳолаш мезонлари**

№	Баҳолаш параметрларининг номланиши	Балл	
I. Иштирокчиларнинг ташкилий шакли (2 балл)			
1.	Корхонанинг ташкил этилганлиги	1 йилдан ортиқ	2
		1 йилдан кам	1
II. Сўнги уч йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) умумий суммаси (65 балл)			
1.	7-шаклда келтирилган товар (иш, хизмат) нинг сифат даражаси. (Бу буюртмачи томонидан ташкилаштирилган комиссия аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади, ҳар бир маҳсулот учун 0 баллдан 10 баллгacha бериш оркали ҳисобланади). Баллар ташкилот мутахассислари томонидан сифат даражасига қараб берилади.	60 баллгacha	
2.	6-шаклда келтирилган маълумотлардаги шартномалар сони	5 донадан кўп	5
		5 донадан кам	2
III. Иштирокчиларнинг молиявий аҳволи (2 балл)			
1.	Сўнги 3 йил давомида молиявий фойдаси 300 млн.сўмдан	ортиқ	2
		кам	1
IV. Таклиқ қилинаётган товар (иш, хизмат) тайёрлаш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги ҳақида маълумот (6 балл)			
1	Омборда керакли хом ашёнинг жамланганлиги:	25 фоиздан кам	0
		25 фоиздан кўп	2
		50 фоиз - 75 фоизгacha	4
		75 фоиздан кўп	6

Изоҳ: Танлаш иштирокчиларининг баллари техник ва ташкилий-молиявий баҳолаш таклифлари жадвалига киритилади.

2-жадвал

Танлаш иштироқчиларининг техник ва ташкилий-молиявий таклифларини баҳолаш жадвали

Танлаш иштирокчисининг тижорат таклифларини баҳолаш мезони

№	Номлар бўйича баҳоланиш	Баллар				
		Умумий балл				
Танлаш иштирокчилари						
I. Таклиф қилинган нарх (25 балл)						
1.	Иштирокчи таклиф қилган энг кам нарх	25				
2.	Иштирокчи таклиф қилган энг кўп нарх	10				
3.	Таклиф қилинган энг кўп ва энг кам нархларга қўшимча аниқлик киритиш баллари	10-25				
II. Биринчи электрон таклиф бўйича баллар йиғиндиси (25 балл)		25				

Иштирокчининг тўплаган баллари 4-жадвалга асосан умумлаштирилади.

УМУМИЙ БАҲОЛАШ ЖАДВАЛИ

№ _____ лот бўйича танлаш/
Танлаш иштирокчиларининг таклифлари

№	Иштирокчиларнинг номи	Нарх бўйича иккинчи электрон таклиф бали	Биринчи электрон таклифнинг бали	Умумий балл
		Макс. 75 балл	Макс. 25 балл	
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				

Изоҳ: Танлаш савдоларида иштирокчилар тақлифларини битта электрон тақлифда тақдим этади.

Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

21. Шартномани расмийлаштириш

21.1. Буюртмачи ва танлаш ғолиблари ўртасидаги шартнома танлаш ғолиблари тўғрисида республика товар-хом ашё биржасининг www.etender.uzex.uz маҳсус порталида эълон қилинган кундан бошлиб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлаш ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун кафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлаш комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги иштирокчини танлаш ғолиби деб эътироф этиши ёки такорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

22. Шартномани имзолаш

22.1. Ғолиб иштирокчи З (уч) кун муддат ичида Буюртмачи билан шартнома имзолаши шарт.

22.2. Ғолиб деб топилган иштирокчи шартномани бажариш кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўплаган захирадаги иштирокчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлаш ғолиби миқдор, сифат ҳамда техник кўрсаткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса қонун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.

П-БҮЛІМ. ТАНЛАШНИНГ ТАКЛИФ ШАКЛЛАРИ.

1-шакл

№ _____ - лот

Танлаш иштирокчисининг ташкилий шакли

Танлаш иштирокчисининг ташкиллаштириш бўйича ишлаб чиқариш тузилмасини тақдим этинг: майдони, товар етказиб бериш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) бўйича ташкилий тузилмаси, манзили ва мулкчилик шакли (хусусий ёки ижарага олинган) кўрсатилган ҳолда.

Иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлаш савдоси иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

№ _____ -лот

(Иштирокчининг фирма бланкасида)

№ _____ ва _____ сана

Танлаш иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот шакли

Танлаш савдолари иштирокчисининг номи: _____

Манзили ва телефон рақами: _____

Факс: _____

Юридик мақоми: _____

Ташкил этилган жойи ва санаси: _____

Фаолият турлари бўйича ихтисослашуви: _____

Офиси жойлашган жойи ва Ўзбекистондаги филиаллари: _____

Доимий ва вақтингачалик ишловчи ходимлари умумий сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами) _____

Вақтингачалик ишловчи ходимлар (жами) _____

Камида 5 йиллик иш тажрибасига эга бўлган ходимлар сони, жумладан:

Доимий ишловчи ходимлар (жами) _____

Вақтингачалик ишловчи ходимлар (жами) _____

Танлаш иштирокчиси корхонасининг ташкилий тузилмаси, жумладан:

корхонанинг ташкилий тузилмаси (филиаллари, худудий бўлинмалари, ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа шахобчалари)

ишлаб чиқариш жойлари мавжудлиги (жами m^2) (хусусий ёки ижара)омборхона жойлари мавжудлиги (жами m^2) (хусусий ёки ижара)

ишлаб чиқариш ускуналари.

№	Техникаси номи	Сони	Ишлаб чиқарилган санаси	Сотиб олинган санаси
---	----------------	------	-------------------------	----------------------

Иштирокчи номи:[Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо:[Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана:[таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

№ _____-лот

Иштирокчининг тажрибалари тўғрисида маълумот

Танлашга қўйилган Товарларга (ишларга, хизматларга) ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) охирги 3 йил давомида ишлаб чиқариши (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумот

(минг. сўм)

№	Товар (иш, хизмат) номи	Шартнома суммаси	Махсулот (хизмат) тури	Буюртмачи
1.				
2.				

Иштирокчи номи: [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг] кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг]

№ _____-ЛОТ

Танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи
(охирги 3 йиллик бухгалтерия балансини нусхаси 1 ва 2-шакл)

Танлаш иштирокчисининг номи: _____ (минг. сўмда)

АКТИВ				ПАССИВ			
Узок муддатли активлар				Умумий воситалар захираси			
Асосий воситалар				Низом капитали			
Ишлаб чиқариш фондлари шунинг ичida				Бўлинмаган кирим			
Қолдиқ нарх				Мажбуриятлар			
Капитал маблағлари				Қарзлар			
Тугалланмаган ишлаб-чиқариш				Кредитор қарздорлик			
Шу кундаги активлар				Вақти тугалланган қарздорлик			
Айланма маблағлар				Бюджет маблағлари хисобидан қарздорлик			
Шулардан ишлаб чиқариш захираси				Иш ҳақи тўлови бўйича қарздорлик			
Дебитор қарздорлиги							
Вақти тугалланган қарздорлик							
Умумий баланс бўйича				Умумий пассив баланс бўйича			

Молиявий натижа (минг. сўмда)

Номланиши	Номланиши
1. Ишлаб чиқарилган товарлар бўйича фойда	8. Соф фойда
2. Ишлаб чиқарилган молларнинг соф фойдаси	Асосий фаолиятидан фойда
3. Ишлаб чиқарилган молларнинг таннархи	Умум хўжалик фаолиятидан
4. Мамурий харажатлар	9. Асосий фаолият даромади
5. Бошқа сарф-харажатлар	10. Умум хўжалик фаолият даромади
6. Солиқ солинмаган ҳолдаги фойда	11. Чиким
7. Даромад солиги	– Асосий фаолиятдаги чиким – Умум хўжалик фаолиятидаги чиким

Баланс бўйича фойда _____

3 йил ичida солиқ тўламаслиги ёки банкротлик масалалари бўйича судланмаганлиги

Рахбар _____

Бош хисобчи _____

Сана: «_____» 20 й.

М.П.

Изоҳ: Ишчи орган танлашга кўйиладиган ўхшаш маҳсулотларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш) тўғрисида маълумотларни сўраганда, улар маълумот учун қабул қилинади ва баҳоланмайди.

Иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлаш савдоси иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

№ _____ -лот

**Таклиф қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун моддий ресурсларнинг
мавжудлиги ҳақида маълумот**

Танлаш иштирокчисининг номи:

Жойлашган жой:

Омборхонанинг жойлашган жойи:

т/р	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
6.			

Изоҳ:

Иштирокчи номи: (Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг)

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: (Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг)

Имзо: (Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг)

Ушбу таклиф (Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг) кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: (таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг)

№ _____ -ЛОТ

**Таклиф қилинаётган товар (иш, хизмат) тури бўйича аввал фаолият юритган
ёки фаолият юритаётган давлат юқори турувчи (ёки шартноманинг умумий
суммаси 50 млн.сўмдан ортиқ) ташкилотлари билан тузилган
шартномалар хақида маълумот**

№	Ташкилотлар номи	Хизмат йўналиши	Шартноманинг умумий суммаси	Иш фаолияти тўғрисида тавсиянома (бор,йўқ)
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
...				

Иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлаш савдоси иштирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

№ _____ -ЛОТ

Товар (иш, хизмат) нинг техник тавсиф жадвали

Иштирокчи _____

№	Товарлар (ишлар, хизматлар)	Техник топширик талабларини бажариш учун маҳсулот номи	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати	Кафиллик бериладиган масофаси
1	2	3	4	5	
Танлаш номи ва Лот рақами					
1					
2					
3					
4					

Иштирокчи номи: (**Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг**)Таклифга имзо чекувчининг лавозими: (**Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг**)Имзо: (**Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг**)Ушбу таклиф (**Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг**) кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.Сана: (**таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг**)

№ _____ -лот

Товарни (ишни, хизматни) етказиб бериш

Товарларни етказиб бериш, хизмат кўрсатиш харидор ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартнома имзолангандан кейин бошланиши зарур.

Етказиб бериш (бажариш) муддатидан кечикиб етказиб берилган ва сифатсиз маҳсулот (кўрсатилган хизматлар) етказилган тақдирда қабул қилинмайди ва улар учун тўловлар амалга оширилмайди.

т/р	Товар (иш, хизмат) номи	Етказиб бериш муддати (давом этиши)	Манзил	Товарларни (иш, хизматларни) етказиб бериш охирги муддати

Иловаларнинг барча бетлари топширилаётганда танлаш савдоси шитирокчилари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши шарт.

№ _____-ЛОТ

ТАНЛАШ ТАКЛИФИ

Кимга: Танлаш комиссиясига.

Савдо учун олиниши (хизмат кўрсатиш) ушбу билан тасдиқланувчи хужжатларни ўрганиб чиқиб, биз қўйида имзо чекувчилар, ушбу танлаш таклифининг бир қисми хисобланувчи ва таклиф этилаётган нарх-наво жадвали билан тасдиқланувчи _____ суммадаги (танлаш таклифининг умумий суммаси ёзма ва рақамларда) кўрсатилган хужжатлар асосида етказиб беришни (хизмат кўрсатишни) амалга оширишни таклиф этамиз.

Бизнинг танлаш таклифимиз қабул қилинган тақдирда, товар ва хизматлар учун буюртмада келтирилган етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) графиги асосида товарларни етказиб бериш (хизматларни кўрсатиш) мажбуриятини оламиз.

Биз танлаш таклифларининг очилган куни сифатида ўрнатилган (белгиланган) санадан бошлаб 30 (үттиз) банк куни давомида ушбу танлаш таклифлари қоидаларига риоя этишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий (ҳақиқий) бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат ўтгунга қадар ихтиёрий вақтда қабул қилиниши мумкин.

Расмий шартномани тайёрлаб ва уни расмийлаштиргунга қадар ушбу танлаш таклифи, унинг қабул қилинишидаги сизнинг ёзма тасдигингиз ва шартномага эга бўлганлигиниз ҳақидаги сизнинг билдириш хатингиз билан биргаликда бизнинг ўртамиздаги ҳақиқий (мажбурий) шартнома ролини бажаради.

Биз албатта инобатга оламизки (тушунамизки), сиз ўта кичик ҳисоб қийматига эга бўлган танлаш таклифини ёки умуман сиз олган таклифлардан қайси биринидир қабул қилишга мажбур эмассиз.

Биз ҳар ойнинг иккинчи санасида, бутун етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) даври мобайнида танлаш савдоси шартларининг ижро этилиши ҳақидаги ахборот-маълумотларни тақдим этиб бориш мажбуриятини оламиз.

20 ____ й. _____ ойининг _____ санаси билан белгиланди.

_____ (имзо)

_____ (лавозими)

(савдо иштирокчисининг номланиши)

Иштирокчининг номидан ва топшириғи бўйича панлов таклифини имзолаш ваколатига эгалик қилувчи

№ _____ -лот

Иштирокчи таклиф этган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нарх жадвали

Иштирокчи номи: _____

т/р	Товар (иш, хизмат) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Бир донасиning нархи	Умумий нархи
1.					
2.					

**Етказиб берилаётган товар (ишнинг, хизматнинг) умумий қиймати жами:
сўмни ташкил этади.**

Изоҳ: товарнинг (ишнинг, хизматнинг,) бир донаси ва умумий нархлари ўртасида фарқланиш аниqlанилса, бундай ҳолда бир дона маҳсулотнинг нархига қаралади.

Иштирокчи номи: (**Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг**)

Таклифга имзо чекувчининг лавозими: (**Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатинг**)

Имзо: (**Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйинг**)

Ушбу таклиф (**Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатинг**) кўрсатмаси ва номидан тегишли ваколат билан имзоланди.

Сана: (**таклифга имзо қўйилган санани кўрсатинг**)

ШИЛДАГАН ТОВАР (ИШ, ХИЗМАТ) ЛАРГА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР.

1. Умумий маълумотлар

1.1. Танлашнинг тўлиқ номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган деворий лавҳ (стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари хариди.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати.

1.3. Етказиб берувчи: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра етказиб берувчи аниқланади.

1.4. Етказиб бериш муддати: 2022 йил шартнома имзоланган вақтдан 31 декабрга қадар.

1.5. Молиялаштириш манбалари: Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бюджет маблағлари хисобидан.

1.6. Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бераётган барча хўжалик юрутувчи субъектлар 1-иловада келтирилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун маълумот тақдим этилиши лозим. Сифатли товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ташкилотлар тижорат таклифлари ютиш имконияти юқори бўлади.

1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган деворий лавҳ
(стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари рўйхати ва уларга белгиланган нархлар**

№	Товар (иш, хизмат) номи	ўлчов бирлиги	микдори	бошланғич нархи, дона учун (сўм)	Сумма
1	Изготовление и установке объемного стенда из акрила на дистанционных болтах	хизмат	1	28 000 000,0	28 000 000,0
Жами:					28 000 000,0

Техник параметрлари: (Айнан шу техник параметрлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилиши шарт!) Изготовление и монтаж стенда на дистанционных болтах из прозрачного акрила (10 мм), выклейкой оракала (туманка), с выклейкой бронового оракала на прозрачный акрил (10 мм) и лазерной резкой букв в количестве 150 шт. Монтаж букв на акриловую плашку. Демонтаж ранее установленного стендса и портрета, установка новой плашки из акрила с буквами и портрета.

Юқорида келтириб ўтилган хизматлар “Етказиб берувчи” зиммасига юкланди.

Хизматларни сифатини баҳолаш учун тегишли ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин.

ДИҚҚАТ!!!

Юқоридаги жадвалдаги маҳсулотлардан Танлаш йиғилиши вақтида намуна олиб келиниши шарт.

Намуна учун олиб келинган маҳсулотлар Танлаш иштирокчилари томонидан йиғилиш давомида Танлаш комиссиясига тақдим этилади ва йиғилишдан кейин қайтариб олиб кетилади.

IV-БЎЛИМ. ТИЖОРАТ ҚИСМИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган
деворий лавҳ (стенд) тайёрлаш ва ўрнатиш хизматлари рўйхати
(хизматларни бажарувчи томонидан тўлдирилади)

т/р	Товар (иш,хизмат) номи	Кафиллик бериладиган масофаси	Сони	Маркаси	Ишлаб чиқарилган давлати
1.	Изготовление и установке объемного стенда из акрила на дистанционных болтах		1		

1. Тижорат таклифлари баҳоси ва уни белгилаш тартиби

1.1. Етказиб берувчи ташкилотлар талаб қилинган товарлар (иш, хизматлар) учун нархларини ўзларинг ички имкониятларидан келиб чиқиб белгилайди.

1.2. Товар (хизмат, иш) баҳоси (таклиф)га жумладан танлаш, соликлар, бюджет ва нобюджет жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича харажатлар қўшилиши лозим.

1.3. Иштирокчи томонидан ўрнатилган баҳолар етказиб беришни (хизмат кўрсатишни, иш бажаришни) тўлиқ амалга ошириш даврига белгиланиб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

1.4. Қайси босқичда бўлмасин, баҳони кўтаришга йўналтирилган танлаш таклифлари танлаш савдолари талабларига жавоб бермайдиган ҳисобланиб, танлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

2. Танлаш валютаси

2.1. Танлаш таклифлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда тақдим этилади.

3. Етказиб бериш шартлари ва муддати

3.1. Товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун деб белгиланади.

3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилган кундан бошланади ва 10 кун давом этади.

4. Молиялаштириш шартлари ва жадвали

4.1 Шартнома икки томон ўртасида имзоланганидан сўнг 10 банк куни ичida етказиб берувчига олдиндан 30% миқдорида пул тўлаш ва хизматлар бажарилгандан сўнг 10 банк иш кунида қолган 70% миқдорини ўтказиш орқали амалга оширилади.

5. Шартномани молиялаштириш манбаи

5.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аппаратининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Товарни (ишни, хизматни) етказиб бериш бўйича тузилган шартнома қонунчилик хужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий – хукуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мос бўлиши лозим.

V-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ.

- сонли ШАРТНОМА

“_____”

2022 й

Тошкент ш.

номидан Низом асосида иш юритувчи
бир томондан (бундан буён матнда “Етказиб берувчи” деб
юритилади) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси аппарати номидан Низом
асосида иш юритувчи _____ иккинчи томондан (бундан
буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) ушбу шартномани куйидаги шартлар асосида
туздилар:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1.“Етказиб берувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтибослари ёзилган деворий лавҳ (стенд)
тайёрлаш ва ўрнатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу товарларни (ишларни,
хизматларни) қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Етказиб берилган
товарларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажralмас қисми бўлган
спецификацияда келтирилган.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги товарларни (ишларни, хизматларни) кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда етказиб берилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра
куйидагиларни талаб қилиш;
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг
камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равища пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги
натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ етказилган товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ етказилган товарлар учун
тўловларни амалга ошириш.

2.3. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда етказиб
берилган товарлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб
қилиш;
- буюртмачидан етказиб берилган товарни қабул қилишни асоссиз равища рад этиш
натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида
белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқда биноан товарларни
белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартларидан ва техник
шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча
камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси _____ (_____) сўм, КҚС
 билан (КҚС сиз). Етказиб бериладиган товарларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида
кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган товарнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Етказиб берувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми товарларни қабул қилиш учун юк-хати (счёт-фактура) имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Товарлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажарышдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг товарлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан товарлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда етказиб берилган товарни қабул қилишини рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги товарни кўрсатиш худди шу техник топшириқقا киритилган бошқа номдаги товарнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Етказиб берилаётган товар тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган товарлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган товарлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Етказиб берувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги кўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки товарларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Етказиб берувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Етказиб берилаётган товарларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Етказиб берувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Етказиб берувчи тақдим этилаётган товарларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равища мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган товарларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган товарлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Етказиб берувчи Буюртмачига товарларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Товарлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Етказиб берувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пея тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажарышдан ва товарларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Етказиб берилган товарлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Етказиб берувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Етказиб берувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Етказиб берувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Етказиб берувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидан бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишининг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро хужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуllар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қисса, иккинчи Томонни ёзма равищда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилиншигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланганидан ва Молия вазирлиги Газначилигидан рўйхатдан ўтганидан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Етказиб берувчи:

Р/с: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО _____

ИНН: _____

ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Р/с: _____

Л/с: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО _____

ИНН: _____

ОКЭД: _____

Етказиб берувчи:

Буюртмачи:

2022 йил _____ даги
_____ - шартномага 1-илова

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Т/р	Товар (иш, хизмат) лар номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1.					
2.					
3.					
4.					
Жами:					

Етказиб берувчи:

Р/с: _____
Банк реквизитлари: _____
МФО _____
ИНН: _____
ОКЭД: _____

Буюртмачи:

Р/с: _____
Л/с: _____
Банк реквизитлари: _____
МФО _____
ИНН: _____
ОКЭД: _____

Етказиб берувчи:

Буюртмачи:
